

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

454 Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги корхоналарининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган янги қурилишларни амалга ошириш, мавжуд бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

34 (586)-сон

— 21 —

454-455-моддалар

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 56-модда) 13-бандининг ўн учинчи хатбошидаги «мукаммал таъмирлаш» сўзлари «қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 20 август,
228-сон